

ЎзССР ДАВЛАТ БАДИЙ АДАБИЁТ НАШРИЁТИ  
ТОШКЕНТ – 1961

ЎзССР ДАВЛАТ БАДИЙ АДАБИЁТ НАШРИЁТИ  
ТОШКЕНТ – 1961

XIX аср яккинчи ярмida Хоразмда етишган кучли шоирлардан бири Комил Хоразмийдир. Унинг номи Паҳлавонниёз бўлиб, Комил таҳаллусидир. Комил Хива мактаб ва мадрасаларида таълим олди. Адабиёт ва санъатга катта ҳарас қўйиб, тожик-форс, араб тилларини яхши ўрганди. Уз замонасидаги олдинги олим ва шоирларнинг суҳбатларида иштирок қилди, ўтган меросни қунт билан ўқиди ва тез кунда ўзи ҳам ижод этмакка бошлади. Комил шоир, талантли композитор, яхши хаттор ва нақдош ҳам эди.

Хоразмий К.  
Танланган шеърлар. (Нашрга тайёрловччи Р.  
Мажидий). Т., Узабдабийншр, 1961.  
52 бет.

Харемзи К. Избранные стихи.

## КОМИЛ ХОРАЗМИЙ

(1825—1897)

Ўзбек адабиётининг йирик вакилларидан бири бўлған Комил Хоразмий 1825 йилда Хива шаҳрида туғилди. Унинг отаси Абдулла Охунд мадрасада мударрис бўлган. Комил Хоразмийнинг асли номи Паҳлавонниёз бўлиб, Комил унинг адабий таҳаллусидир. Комил мактаб ва мадрасаларда ўқиб, замонасига қўра яхши таҳсил олади. Мутолаа билан шуғулланади ва даврийнинг йирик шоирлари суҳбатларига қатнашади, илмтажрибасини ортиради. Ёшлигиданоқ ўзбек классик адабиёти ва форс-тожик адабиёти ёзувчилари ижодини қунт билан ўрганади.

Комил анча ёш чоғидаёқ шоир сифатида яхши ном қозонади. Комил оддий мирзо сифатида хон саройига ишга қабул қилинади. Комил танбур, ғижжак, сантурда ниҳоят яхши машқ қилар эди. Шу сабабдан хон ҳузурда бўладиган санъат, музыка кечаларида қатнашади. Комил бу ҳақда ўзининг ҳажвий газалларида маълумот беради. Бирмунча вақт ўтгандан сўнг, Комил миrzабоши бўлиб тайинланади.

Оғаҳий ва Баёнийнинг тарихий асарларида берилган маълумотларга қараганда, Комил Хоразмий хон саройида турли маъмурий ишларга ҳам қатнашган, жумладан, 1861 йилда Бухорода Амир Музаффар замонасида Хоразмдан Бухорога элчи бўлиб борган.

1873 йилда Хоразм хонлиги Россияга қўшиб олингандан сўнг, Муҳаммад Мурод девонбеги ва бошқа бирмунча сарой амалдорлари чет жойларга сургун қилинади. Шундан сўнг, Комил девонбеги бўлиб тайинланади.

Замонасининг илфор кишилари бўлган олим, шоир, санъат арбоблари мирзо, оддий хат кўчирувчи сифатида сарой ишларига қатнашишга, баъзи бир лавозимларни бажаришга мажбур эдилар. Лекин улар ҳеч қачон феодал аристократияси фойдаланган имтиёзларга эга бўлмаганлар.

Бу жиҳатдан Комил Хоразмий ҳаёти айниқса характерлидир. Муҳаммад Мурод девонбеги сургунга юборилгандан сўнг, хон бошқа киши топмаганидан, Комилни девонбеги қилиб тайинлашга мажбур бўлади, лекин бирмунча вақтдан сўнг Муҳаммад Мурод девонбегини сургундан сўратиб олдириб, уни ўз ўрнига тайинлайди, Комил мирзабоши бўлиб қолади. Нодон, жохиз девонбеги ҳар хил иўллар билан Комилни сиқа бошлиайди. Азобда қолган Комил бир фурсат топиб, қўидаги шеърни ёзиб хоннинг қўлига беради:

Манга эй шаҳим, кўп итоб айлама,  
Ғам ўтида бағрим кабоб айлама.

Зағанға бериб булбул ўрнида жой,  
Хўмо ҳамнишинин уқоб айлама...

Хонга бу шеър маъқул келмайди. Уни девонбеги қўлига беради. Девонбеги бошқа бир шоирга Комилни масҳара қиливчи жавоб шеърини ёзиради.

Хон бир куни Комилга форсчадан бир асарни ўзбекчага таржима қилишни топширади, Комил жуда кўп меҳнат сарф қилиб, уни тамом қиласди, аммо бу хизмат шоир Рожий номига ўтади, Рожий бу «хизмати» учун инъом ва мадрасадан ҳужра олади. Анча вақт Комил бундан бехабар бўлади, бир кун бир дўсти унга бу воеачи айтади. Тұхмат остида қолган Комил маҳсус бир маснавийсида хон ва сарой томонидан ҳўрланганини чуқур афсус билан баён қиласди. Комил қанча ҳаракат қилас-да, унинг додига етувчи киши бўлмайди. Сарой аристократияси томонидан бундай

муносабат факат Комилга нисбатангина бўлган эмас. Бу жиҳатдан саройда Огаҳий ва унинг ижодига бўлган муносабатдан гувоҳлик берувчи Комилнинг яна бир маснавийси жуда ҳам характерлидир. Бу маснавийда Комил замонасининг улуг олими, шоирни Огаҳий ижодига баҳо бериш сарой чиновниклари қўлида бўлиб, улар унинг бебахо, гавҳардан қиммат ғазалларига жуган (қўйкон жўхориси) билан ҳақ тўлар эдилар, деб ҳасрат қиласди.

Бу фактлар саройга ишга киришга мажбур бўлган шоир, олимларнинг фожиали аҳволини жуда яққол кўрсатади. Хон ва бошқа аристократлар уларга ёлланган киши сифатида қарайдилар. Уларнинг ноҳақ ҳоҳишига кўнмаган, унга қарши чиқмоқчи бўлганлар масҳараланган, ҳўрланган, калтакланган. Замонасининг илфор кишиларидан бири бўлган Комил ана шундай азоблар натижасида саломатлигини йўқотиб, қаритан вақтида кўзи ожизланниб, чуқур руҳий азоб остида 1897 йилда вафот этади.

\* \* \*

Хоразмнинг Россияга қўшиб олиниши элда ҳокимият учун хон авлод, феодаллар ўртасида, ўзбек, туркманлар ўртасида узлукисиз бўлиб турадиган урушларга бир оз бўлса-да хотимз берди. Энди бир мунча тиҷчиклик ўрнатилиб, хўжалик ва маданий ишларнинг ривожига йўл очилди. Россиядек катта давлат ҳимоясига суннган ва ўз табиити билан адабиёт, санъатга қизиқсан Муҳаммад Раҳимхон (1864—1910) сарой атрофига адабиёт ва санъат арбобларини тўплаб, адабиёт, санъат кечалари ўтказишга анча вақт сарф қиласди. Узи ҳам анчагина шеърий қобилиятига эга бўлган Муҳаммад Раҳим Феруз тахаллусида ғазаллар ҳам ёзар эди. Унинг замонида Хоразмда тош босма ташкил этилади Навоийнинг айрим асарлари ва Хоразм шоирларининг кўп девонлари ана ўзу тош босмада нашр қилинади. Форс-тохик адабиётидан муҳим тарихий, адабий асарлар ўзбек тилига таржима қилинади. Феруз давридаги адабий ҳарқатнинг жонланишида Огаҳий ва Комилларнинг таъсири ва хизмати катта.

Феодализм шароитида яшаган Мунис, Огаҳий каби шоирлар ижоди учун энг характерли нарса — ўз замонасидаги ижтимоий тузумдаги ҳақсизликдан чуқур норозилик, шу тузумдаги иллатларни реал очиб ташлашдир. Комил Хоразмий ижодида ҳам худди шу ҳодисани қўрамиз:

Даҳри дундин кўрмагунг жуз ҳасрати нокомлиғ  
Гавҳари мақсадни қилма бу уммондин тамаъ.

Солим ўлмоқнинг сипеҳр осибидин имкони йўқ,  
Қилма ҳаргиз оғият кунжиғи бу вайрондин тамаъ.

Яна:

Бўлмаса гардуни сифладўст гар дун, эй кўнгул,  
Нега дунни шод этар, донони маҳзун, эй кўнгул.

Чун фалак нодон навозу, ҳасми донодур, не суд,  
Дониш иқлимида бўлсанг гар Фалотун, эй кўнгул.

Иzzат ила неъмат авжиди бўлур олий мақом,  
Ҳар ким ўлса каж нечукким айн ила нун, эй  
кўнгул.

Дарҳақиқат, ҳаётга, жамиятга муносабат масаланинг мұхим томонидир. Бутун ҳалқлар тарихида ҳаётга тандидий қараган, унинг иллатларини кўриб, ундан норози бўлган, уни тузатиш йўлларини ахтарган олим, шоирлар ҳалқларни, кишилик онгини тараққий қилидиришга хизмат килдилар. Шу йўсинда прогрессив адабиёт юзага келган. Аммо ҳаётни илоҳий куч, худо томонидан белгиланган, ўзгармайдиган ҳодиса деб таърифловчи, ҳаётдаги ҳамма ҳолларни, бировларнинг шоҳлиги, бойлиги, гадойлиги ҳаммаси «тақдир»дан деб таърифловчи шоирлар, дин аҳллари ҳалқ оғини заҳарлаб, улар тушунчасининг ўсиш йўлини тўстанлар. Шу йўсинда ҳоким синflар идеологияси, реакцион дунёқараши, адабиёти юзага келди. Аслида адабиёт тарихимиз мана шу икки оқимнинг узлускис курашидан иборатдир.

Комил ижодининг темаси ҳилма-хил. Биз унда мураккаб ҳаёт, дунёни англ олмасдан, ундаги ҳақсизликлардан додлагувчи, ҳасрат қилгувчи оташин юрак садосини, жамият, эксплуатация қилувчи синflар юзага келтирган хусусий муъли маҳсули — очкўзлик, баҳишлик, ҳасадгўйлик, лаганбардорлик каби хусусиятлар қораланиб, кишиларни химматли бўлиш, инсоф ва виждона ҳақириш туйгуларини қўрамиз.

Қиска қилиб айтганда, яхшилик билан ёмонлик, ёзгулик билан ёвузлик ўртасидаги кураш шоир ижодининг асосий магзини ташкил этади. Бу ҳодиса шу давр ёзувчиларини бизга улуғ, илғор қилиб кўрсатиш билан бирга, уларнинг тарихий чегараланғанлигидан ҳам дарак беради.

Инсон қалбининг ўлмаса, абадий самараси мұхаббат, интим лирика Комил ижодида ҳам салмоқли ўрин олган. Бу соҳада у чинакам инсон туйғуларини ўзига хос йўсина жуда ёқимли қилиб бера олди. Кишига «нариги дунёда» роҳат, завқ ваъда қилувчи диний тариқат, таассубларни Комил нафрат билан жеркиб ташлади.


Комил ҳон билан бир неча бор Россия ва Тошкент сафарида бўлди. Шунда рус ҳалқи ва бошқа ҳалқлар ҳаётига жуда диққат билан назар солди. Улар ҳаётини ҳавас қилди. Тошкентга бағишинланган ғазалида рус ҳалқи эр-аёллари ўртасидаги муносабат ва эркинликни завқ билан кўйлади.

Уз санъатини севган шоир ҳалқ қуйларини сақлаб қолиши, мукаммаллаштириш устида кўп ўйлади ва ниҳоят рус маданияти таъсирни остида Хоразм классик қуйларини ўзи томонидан яратилган чизиқлар — нотага кўчирди. Унинг бу ишини ўғли шоир, ҳам композитор Мухаммад Расул — Мирзо давом килдирди.

Комил меросидан бизга битта девон етиб келган. Бу девон революцияга қадар Хоразмда тош босмада икки марта, 1909 йилда Тошкентда ҳам тош босмада нашр этилган. Комилнинг девони ўзбек адабиётида давом этиб келган традиция асосида, яъни алифбе тартибида тузилган бўлиб, унда поэзиянинг — фазал, мустазод, мухаммас, мурабаба, мусаддас, мусамман, таржиъбанд, маснавий шаклидаги ҳамма жанрларида ёзилган шеърлар бор. Шунингдек, бу девонга Комилнинг форс-тожик тилида ёзган фазал, мухаммаслари ҳам кирган. Бу тош босма девонларида ташқари,

Узбекистон ССР Фанлар Академияси Шарқшунослик институтининг қўлёзмалар фондида Комилнинг турли даврда, турли котиблэр томонидан кўчирилган қўлёзма девонлари ҳам бор. Бу кичкина тўпламни тузишда юқорида айтилган девонлардаги материаллар асосга олинди ва бу асар нашрида кенг меҳнаткашлар оммасини Комил ижоди билан қисқача таништириш кўзда тутилди.

*Раҳнат Мажидий*



## ФАЗАЛЛАР

\* \* \*

Бухл элига демагил, эй зубдан даврон, сўзинг,  
Ҳайф этар, қадрини билмас, сифлан нодон, сўзинг.  
Гарчи, сўздек гавҳари қимматбаҳо йўқ даҳр аро,  
Бор аларнинг қошида ҳармуҳрадин арzon сўзинг.  
Улки қилмайдур маони баҳрига ғаввослиқ,  
Кўрмагай мунжуқча<sup>1</sup> гар бўлса дури ғалтон сўзинг.  
Паст фитратларға дунё моли учун тутма кўз,  
Бир қаро пул бобида мушкул қилур осон сўзинг.  
Бухл зангини қира олмас темурдек кўнглидин,  
Гар итиклик ичра бўлса ўйлаким сўхон сўзинг.  
Гар сўзингдин бир нимарса ўнмаса бу дунёда,  
Тингламаслар охиратда берса ҳам, имон сўзинг.  
Илтимос этма олардин бир кўнакни<sup>2</sup> зинҳор,  
Синдиур гар берса ҳам ўлган баданға жон, сўзинг.  
Дониш аҳли қошида ҳар бири бир лаъли хўшоб,  
Лек оларға бордурур лаъль ўлса ҳам пайкон сўзинг.  
Топмасанг сўз лаззатидин огаҳу Комил киши,  
Соклагил бўлғунча кўнглунг пардасида қон сўзинг.

<sup>1</sup> М у н ж у қ — мунҷоқ.

<sup>2</sup> К ў н а к — гуруч кепаги.

Бўлмас гардуни сүфладўст гар дун, эй кўнгул,  
Нега дунни шод этар, донони маҳзун, эй кўнгул.  
Чун фалак нодон навозу, хасми донодур, не суд,  
Дониш иқлимида бўлсанг гар Фалотун, эй кўнгул.  
Иzzат ила неъмат авжида бўлур олий мақом,  
Ҳар ким ўлса каж нечукким айн ила нун, эй кўнгул,  
Зойл этмак истасанг ўздин мазаллат қониъ ўл,  
Олмас ул чиркинги мундин ўзга собуи, эй кўнгул.  
Жавҳари жон ул матоъ эрмаски сотқун олғасен,  
Не осиғ гар ҳосил этсанг ганжи Қорун, эй кўнгул.  
Оқил эрсанг кибру нахврат қилма иззу жоҳинга,  
Бўлди истикборидин иблис мальян, эй кўнгул.  
Эмин ўлма кайдидин ёру биродарман дебон,  
Не жафолар қилмади Юсуфа Шамъун, эй кўнгул.  
Даҳрнинг пасту баландидин десанг, фориф бўлай,  
Қўйма илкингдин замоне жоми гулгун, эй кўнгул.  
Тобти шоҳи нуктадон алтофидин сўз аҳли қадр,  
Зоҳир эткил эмди бикри софмазмун, эй кўнгул.  
Бу гулистондин бақо бўйини истаб бўлмагил  
Лола баргидек саропо дого дилхун, эй кўнгул.  
Комил эрсанг, одат айла сабр ила хомушлиф,  
Гар бор эрса, ҳар сўзунг бир дурри макнун эй

Бўлмадимким бир даме андуҳи даврондин халос,  
Андин истарман танимнинг бўлғонин жондин халос.  
Ҳар нафас бошимга бир ғам сангборони ёғар,  
Тобмадим ўеч ҳодисоти чархи гардондин халос.  
Ул лаби хандон руҳи гулгун ғамидин оҳқим,  
Бўлмади ҳаргиз кўзум ашку, кўнгул қондин халос.  
Хаста кўнглум ноласи андин фалак паймодурур,  
Бир асире дурки ногаҳ бўлди зиндандин халос.  
Етмаса ғамхонам ичра субҳи васлидин зиё,  
Бўлмоғ мумкин эмастур шоми ҳижрондин халос.  
Шум рақибинг рашик тиги бирла бир кун чопғомен,  
Мушрик ўлмас зулфиқори шоҳимардондин халос.  
Жоҳилеким дониш аҳли суҳбатидан қочқуси,  
Кофиредурким топар аҳли мусулмондин халос.  
Гоҳ зулфи ёди бирла, гоҳ юзининг ёдидা,  
Бўлмади жоним замоне куфру иймондин халос.  
Комиле ким тобса дунлар ихтилотидин раҳо,  
Бир мусулмондекки, тобғай кофиристондин халос.

Манга, эй пари, кўб итоб айлама,  
Фам ўтиға бағрим қабоб айлама.  
Тузуб сухбат, аҳли жаҳолат била,  
Қамол аҳлидин ижтиюб айлама.  
Висолингда роҳат етургил даме,  
Фироқингда доим азоб айлама.  
Чу келдинг қошимға кетарман дебон,  
Яна умр янглиғ шитоб айлама.  
Ҳузурингда хандон этиб душманим,  
Эшикда қўзумни пуроб айлама.  
Қовуб мажлисингдин мени, ғайрни  
Мақомимда ноиб маноб айлама.  
Мени соядек хоккор айлабон,  
Они сарбаланд офтоб айлама.  
Заганға бериг булбул ўрнида жой,  
Ҳумо ҳамнишинин үқоб айлама.  
Қилиб ёд шойиста хизматларим,  
Хато бирла саҳвим ҳисоб айлама.  
Боқарда қўзум чеҳраи лутфинга,  
Ғазаб бирла қаҳринг ниқоб айлама.  
Фироқингда Комилни ноком этиб,  
Нифоқ аҳлини комёб айлама.

Мандин ўлмиштур букунлар оқим жонон малул,  
Бу жиҳатдан айламиш чиқмай танимдён жон,  
Малул.

Жоми васлин нўш этиб ағёр доим шод эрур,  
Ман ичиб тун, кун эрурман соғари ҳижрон  
Малул.

Рўзу шаб зиндони ғамда йигларам Яъқубдек,  
Бўлғали ман хастасидин ул маҳи канъон малул.  
Фурқатидин оҳу нолам баски дардомиз эрур,  
Айлади бедардларни ҳам ўшул ағфон малул.  
Бўлдилар бегона борча ошноу ёрлар.  
Бўлғали бу бекасидин ул шаҳи хубон малул.  
Бўлмиш олдида рақиби қинавар ёлғони рост,  
Ман нечук бўлмай гар ўлса ростим ёлғон, малул.  
Ҳайф, юз минг ҳайфким, фазл аҳлини маҳрум  
Этиб.

Маҳрам ўлуб айладилар зумрай нодон малул.  
Арзи ҳолимни ман әмди кимга айларман бәён,  
Ул гадо ҳолигавой, андин эса султон малул.  
Гар малул ўлса жаҳон аҳли не ғам Комил манго,  
Бўлмаса басдур агар ул сояи субҳон малул.

\* \* \*

Не суд очилса гул, ўлса баҳор ғурбат аро,  
 Менгаки бўлмаса ёру диёр ғурбат аро.  
 Очилмади чаманистон ҳавосидин кўнглум,  
 Кўзимга гул эрур андоқки, хор ғурбат аро.  
 Фироқ даштида бир мушкбў ғизол истаб,  
 Кўзимни қилди чу дом интизор ғурбат аро.  
 Йироқ тушкали аҳбоб сұхбати майдин,  
 Нишот жомига бўлдум хумор ғурбат аро.  
 Чаманда гулдек аҳиббо ватан аро ҳандон,  
 Чу лола бағрим эрур доғдор ғурбат аро.  
 Ватанда кўзима чангалистонча йўқ Маҳмуд,  
 Аёз боғида тутдим қарор ғурбат аро.  
 Чиқай ватан садафидин дема гуҳар янглиғ,  
 Агарчи бўлса сенга эътибор ғурбат аро.  
 Ниҳон эт ўзни ватан қофи ичра анқодек,  
 Сенга йўқ ўлса мурод иштиҳор ғурбат аро.  
 Ватанда сокин ўлуб сайр эт олами боло,  
 Сафарни айламагил ихтиёр ғурбат аро.  
 Тоб эмди Хева ила Паҳлавони Комил эсанг,  
 Дема — Бухори шариғу Мазор ғурбат аро.

\* \* \*

Эмас кишига бу дунёда мулку мол камол,  
 Ҳусули илму ҳунар келди безавол камол.  
 Улумдин шарафи охират эмас ёлғуз,  
 Қи мунда ҳам сабаби иazzату жалол камол.  
 Мурод маърифатуллоҳдур тааллумдин,  
 Эмас мубоҳасау жанг ила жидол камол.  
 Камол маъниси таҳсили илми ҳол дурур,  
 На ҳосил айлагучи маҳзи қийлу-қол камол.  
 Замиринг айла мусаффо кадардин ойинадек,  
 Десангки, жилвагар этсун анго жамол камол.  
 Бўлурму шўра замин обу донадин хуррам,  
 Хabis табъға тобмак басе маҳдол камол.  
 Камол бергусидур сўзга шуҳрату таъсир,  
 Бу қушға қилғали парвоз паррубол камол.  
 Ниҳоли бебари саркашдурур авомуннос,  
 Не суд тобмаса маънига иттисол камол.

Тафаъул айлар эдинг, эй кўнгул, қилиб ният,  
Ки рафъ бўлғуси деб тоза йилда наҳсият.  
Чу қилмас ахтари баҳтим сафар манозилга,  
Иқомат этии магар буржин наҳсда ният.  
Мұҳаррарм ўлди ҳаром ўлди элга кулфату ғам,  
Ва лек бир манго юзланмади рафоҳият.  
Жаҳони буқаламун ҳодисоти фикридин,  
Етушмади бу паришон кўнгулга жамъият.  
Анингдек ўлмишам ушбу диёрда бекас,  
Ки қатл қилсалар олмоқға йўқ кишим дият.  
Йироқ тут жуҳало ихтилотидин ўзни,  
Ки ўтқа ёқмоқ ўлубдур ёвукни хосият.  
Тамаъни тарк эту, чиқ гўшаи қаноат аро,  
Санго йўқ ўзга жаҳон ичра жойи амният.  
Тамом қилдинг этиб банда хизматин умринг,  
Ҳам айлагил гаҳи маъбудинга убудият.  
Тут ўзни пасту кичик борча ҳалқдан, Комил,  
Азим оғат эрур нихвату аионият.

Хар неча айлабон изҳор фасоҳат шуаро,  
Сочар элга дури дарёи балофат шуаро.  
Очибон лутфи малоҳат гулин ашъоридин  
Рангбўйи чамани, фазлу фатонат шуаро.  
Қилсалар ҳар неча изҳори садоқат шабу рӯз,  
Кўрар ўтрусида ҳар дамда сад оғат шуаро.  
Қилмас уммид, қилур шукур, шарорат элиниң  
Тилу илкидин агар қолса саломат шуаро.  
Ҳақ сўзин шоҳу гадо қошида китмон этмас,  
Бу жиҳатдин ҳадафи тийри маломат шуаро.  
Яхшидур қонии қашшоқ ғани томиъдин,  
Тутди бу важҳдин ойини қаноат шуаро.  
Қилмас ўлганда тамаъ сифла тавонгарлардин,  
Бордурур жавҳар ойини ҳиммат шуаро.  
Қилмағай жоҳилу нодонға итоат ҳаргиз,  
Кўрмаса бир кишидин ҳукми сиёсат шуаро.  
Чун итооти улул-амр вужубий биладур,  
Тарк қилмас нафасе вожибу суннат шуаро.  
Кече кундуз қиласурлар суфаҳоға хизмат,  
Гарчи шойистаи авранги садорат шуаро.  
Бор алардин неча бекорлар иззатда зиёд,  
Тилу илки била ҳам айласа хизмат шуаро.  
Эмди соч сўз дури Комил садафи табъингдин,  
Тобти шоҳ ҳазратида қадр ила қиммат шуаро.

\* \* \*

Ютубон бу замонда қон фузало,  
Қулфат ўқиғадур нишон фузало.  
Қалам ила китобдин ўзга,  
Топмагай ёру ҳамзабон фузало.  
Қатнабон сүфлалар әшикига,  
Топмас ўлтурғали макон фузало.  
Жуҳало зумраси келиб ғолиб,  
Бўлди мағлубу нотавон фузало.  
Сўзни фаҳм этгали киши топмай,  
Не осир бўлса нуктадон фузало.  
Кимга кўрсатса биргина беҳбуд,  
Топар ўтруда минг зиён фузало.  
Жуҳалоға қилиб мулозимлик,  
Топмадилар емакка нон фузало.  
Майи гуранг ўрниға тайёр,  
Қўзлари сагарида қон фузало.

20

\* \* \*

Бўлубон жолиси авранги жаҳолат жуҳало,  
Урдилар олам аро кўси ҳукумат жуҳало.  
Нўш этиб ришва майин етмай улус додига,  
Билмадилар dame ойини адолат жуҳало.  
Бўлубон ҳомни арбоби фасоди сарка, (?)  
Жамъ қилдилар укуш давлату сарват жуҳало...  
Уламоға бериб ижро шариатда шикаст,  
Бердилар жоҳили нодонға ҳимоят жуҳало.  
Қилиб ўз ройича иш амри ҳукуматда мудом,  
Қилдилар тарк басе фарз ила суннат жуҳало.  
Арзу дод амрида аҳкоми шариатни қўюб,  
Юрутуб ўрниға қавлияти одат жуҳало.  
Бўлуб ўз бошлариға феъли мусаллат, ё раб,  
Бўлмағай боиси манкуби вилоят жуҳало.  
Комило, тутса не тонг вартай зиллатда мақом,  
Топдилар маснади иззатда садорат жуҳало.

21

\* \* \*

**Эй** кўнгул, зинҳор қилма аҳли даврондин тамаъ,  
Бор эса бу хаста жисмингға агар жондин тамаъ.  
Чунки йўқ эрмиш жаҳон аҳлида холис дўстлиғ,  
Кимки ондин яхшироқ йўқ, айлама ондин тамаъ.  
Даҳри дундин кўрмагунг жуз ҳасрати нокомлиғ,  
Гавҳари мақсудни қилма бу уммондин тамаъ.  
Солим ўлмоқнинг сипеҳр осибидин имкони йўқ,  
Қилма ҳаргиз оғият кунжин бу вайрондин тамаъ.  
Кўзлари жаллодидин қилмсқ мурувват орзу,  
Аҳли иймон айлагандек кофиристондин тамаъ.  
Истайн не навъ жоним роҳатин мижгонидин,  
Қилгому мажруҳ марҳам тифи урёндин тамаъ.  
Шарбети лаъли ҳавосин истамаклик бодадин.  
Айлама жонбахшиғ жуз оби ҳайвондин тамаъ.  
Хони васлиға рақибидин ионат истамак,  
Айлаган янглиғ гадо илкидаги нондин таматъ.  
Оlam ичра гар бўлай десанг азизу аржуманд,  
Айлама Комил каби жуз зилли субҳондин тамаъ.

\* \* \*

Ийд ўлди олам аҳлига юзланди ибтиҳож,  
Шаҳ тораки муборакидин қадр тобти тож.  
Май тарки бирла ринд эли гирёну зор эди,  
Атфолдекки йиғлар анго киссалар сужож.  
Жоми сабуҳидин топибон қуввати тамом,  
Рўза риёзати била бир заъфлиғ мизож.  
Уткарди рўзани ебон аҳли ғино шакар,  
Бечоралар саҳарлику ифтори бир кулож.  
Атфоли ағниё олиб ийданаға тило,  
Қашшоқлар боласи дирам тобмай олди кож.  
Аҳли карам саҳосидин уммид айлабон,  
Ийдонадур баҳонаи арбоби эҳтиёж.  
Шоҳи либослар кийибон барча хослар,  
Маълум бўлди ким синуқу ким берур ривож  
Е раб, шаҳим ҳукуматини мустадом тут,  
Авранги адл узра маҳом айла тахту тож.  
Комилча бўлмағай шуаро мадҳинға фасиҳ,  
Буллуб каби наво қила олурму сору сож.

\* \* \*

Менга зулмин кам этмас гунбази дэввор ҳар соат,  
 Тўкар ғам хирманин бошимга юз хирвор ҳар соат.  
 Не ул ойдин келур йиллар аро бир васл пайгоми,  
 Не онинг мажлисидин айрилур аёр ҳар соат.  
 Не аҳволимни арз айларга ҳомио муиним бор,  
 Не шаҳ йилларда ҳолим айлар истифкор ҳар соат.  
 Кима бир хизмат этсам, айлагай ўрнига юз тухмат,  
 Асалға, заҳру гул ўрнига, санчар хор ҳар соат.  
 Бўлуб бегонаваш йиллар ёмонлиғ ошкор этти,  
 Кима ким ошнолиғ айладим изҳор ҳар соат.  
 Етар афғонга нодон дўстларнинг ихтилотидин,  
 Кўнгул ойинасиға юз туман зангор ҳар соат.  
 Жаҳон пасту баланди, соқиё, қон қилди кўнглумни.  
 Мани масти мудом эт, қўймайин ҳушёр ҳар соат.  
 Бўлур ҳар соатим бир кун, куним юз йил, йилим  
 минг ой,  
 Менга лутф этмаса, шоҳи фалак миқдор ҳар соат.  
 Ҳамиша ўз тамәъ шоҳи жаҳондин ўзгадин. Комил,  
 Десанг бўлмай жаҳон ичра залилу хор ҳар соат.

\* \* \*

Юзу холинг ғамидин гар эмастур нотавон лола,  
 Недин бўлмиш ҳамиша сина доғу, бағри қон лола.  
 Хижолатманди холу оразинг эрмас эса, нечун,  
 Қўюб гулшанни дашту тоғ аро тутмиш макон лола.  
 Бўёлди қонға ғамсанг тийбронддин ул гўё,  
 Қочиб кўҳсор горин англамиш дориламон лола.  
 Туну кун давр этиб, ҳеч кўрмадилар дашту  
 гулшанда,  
 Юзингдек сабъаи сайёра бирла осмон, лола.  
 Очибму боғ аро устида гуллар сарв ё шамшод,  
 Бошиға қистирибму ёки ул сарви равон, лола.  
 Қадам кўй сарвнинг боши уза, эй шўх, гулшанда  
 Ки то билсун сени бир хисрави олий макон лола.  
 Чаманда хизмат учун бир аёқда тик туруб шағшод,  
 Тутар йўлингда наргисдин ғўлида шамъдан лола.  
 Кўнгул доғини кўрсатмак кўзунгга мумкин эрмастур,  
 Агар кўрмак тиласен бордуур андин нишон лола.  
 Ани ҳеч гулга ташбиҳ айламас Комил киши, мундин,  
 Бирин бош узра қўйсанг, исми зот айлар аён лола.

Ул умидим ҳосилини яъси хирмон қилмадинг.  
Эй ситамгар, қайси бедилға бериб васлингда жой,  
Сўнгра они мубталойи доғи ҳижрон қилмадинг.  
Қилмағунча хону монимни қаро ҳижрон аро,  
Кулбам ичра оразинг шамъи шабистон қилмадинг.  
Дониш аҳлиға қаю қилмишларинг дей, эй фалак,  
Қай бирин ул зумраниңг маглуби нодон

Сирри ишқинг неча пинҳон тутти элдин, эй пари, Кўймадинг Комилни то расвои даврон қилмадинг,

Кулмадинг бир, то мани юз қатла гирён  
қилмадинг,  
Тутмадинг бир жом, то кўнглум тўла қон  
қилмадинг.  
Хотирим даврон ғамидин қилмадинг бир лаҳза  
жамъ,  
То мани бир йилғача зору паришон қилмадинг.  
Хаста кўнглум таҳ-батаҳ қон қилмағунча  
ғунчадек,  
Очилиб мажлисда рухсоринг гулафшон  
қилмадинг.  
Ман тарафга қилмадинг ҳаргиз хатодин бир  
нигоҳ,  
То рақибимға боқиб юз лутфу иҳсон қилмадинг.  
Айладинг меҳру вафо бобида қайси вазъдалар,  
Ким яна ул аҳду паймондин пушаймон қилмадинг.  
Отмадинг қаҳру итобинг новакин аёғера,  
То маломат ўқига 'кўксимни қалқон қилмадинг.  
Қилмағунча хони васлингдин бу зоринг бенасиб,  
Узгани бу хони иҳсон узра меҳмон қилмадинг.  
Эгнима кийдурмадинг лутфу иноят хилъатин,  
То либоси оғиятдин жиссими урён қилмадинг.  
Қайси бир уммидким лутфингдин этдим оқибат,

\* \* \*

Жонбахш лаълинг устида ул хол ҳиндулармудур,  
Е чашмайи ҳайвон уза зори сияҳ мӯлармудур?  
Боғи жамолинг саҳнида ўйнар кўзинг мардумлари,  
Ехуд Хўтан гулзорида тайр эткан оҳулармудур?  
Сунбул эрурму сарвға чирмошиб ўскан бор аро,  
Ехуд чўлашған қаддинга шабранг гесулармудур.  
Хатти муанбарму эрур чоҳи занахдон даврида,  
Е салсабил атрофидарайхони хушбўлармудур?  
Шаҳло кўзинг атрофида кирпикларингму, йўқ эса,  
Қурғон кийиклар сайдига сайд ёд мўндулармудур?  
Ғамзанг мижанг новакларин отмоқдадур икки

камон,  
Е кўзларингнинг устида пайваста абрўлармудур?  
Зоҳир арақларму эрур, гулбарги хандонинг ўса,  
Е лаъли хотам даврида сероб луълармудур?  
Ғамзанг хадангин ҳар тараф отсанг тегар ман

зоринга,  
Жону кўнгулму, ёхуд ул ўқларга қопулармудур?  
Ҳайрони дидоринг бўлуб турмуш қошингда

хўблар.  
Иўқ эрса қўйғон ўтруда машшота кўзгулармудур?  
Тортар риёй шайхлар масжидда жаҳр айлаб

фифон,  
Е кўкка боқиб кўчада ҳар кечага ит увлармудур?  
Комил қошиға келдиму барча рақиби ҳиласоз,  
Е шери ғуррон оллида бир неча тулкулармудур?

\* \* \*

Гар олса илкига ул моҳ танбур,  
Чекар ўтлуғ кўнгулдек оҳ танбур.  
Қилур мутрибвашимнинг фурқатида,  
Дамо-дам нолай жонкоҳ танбур.  
Ғамингдин нола айларда туну-кун,  
Менгадур ҳамдаму ҳамроҳ танбур.  
Бўлурман ғам сақилидин сабукбор,  
Аён қиласа гар ишқуллоҳ танбур.  
Жаҳонда сознинг анвои кўбодур,  
Вале истар гадоу шоҳ танбур.  
Бўлур ушшоқ, эй мутриб, асиринг,  
Олиб соҳ айласанг дугоҳ танбур.  
Қилур сайри мақомот ул жиҳатдин,  
Эрур Комилға хотирхоҳ танбур.

Ваҳки, қўзларим гирён қилди лаъли хандонлар,  
Жамъ қўймади кўнглум кокули паришонлар.  
Боғу гунча сайдидин бўлдим эмди мустағни,  
Очти гул хадангингдин кўнглум ичра пайконлар.  
Орази арақнокинг кўрди чун чаман ичра,  
Гуллар ўлди шабнамдек, барча чашми ҳайронлар.  
Токи ғамзау нозинг кўз уйин мақом этти,  
Ташқариди мижгонлар бордуур нигахбонлар.  
Ишқ сўзу дардидин нола қиласа кўп, эй дил,  
Бўлмасунлар озурда бу азиз меҳмонлар.  
Қайси холи оразининг доғидур чаманларким,  
Лола доғу, гулларга чок эрур гирибонлар.  
Чини остинингдур, мавжи жавҳари шамшири,  
Йиғнама бу зорингни қатл этарга домонлар.  
Бу шаҳодат иқболин ким топар экан, ё раб,  
Нози олди мижгондин қўлға тифи урёнлар.  
Кимки ҳусн шоҳига бегунаҳ — гунаҳкор ул,  
Анга зулф эрур занжир, чоҳ эрур занахдонлар.  
Ҳусни қўзгуси бордуур мазҳари жамолулло,  
Манъи ишқим этманглар, эй гуруҳи нодонлар.  
Комило, шаҳаншоҳинг назми гавҳар афшонин,  
Қўрса банда бўлғайлар Фазлию Умархонлар.

То сайри гулшан ноз ила ул сарви озод айламиш.  
Сарв ўзни айлаб бандаю, гул барг барбод айламиш.  
Гулзор аро рухсорини чун кўрди шайдо андалиб,  
Гул инфиолига боқиб, афғону фарёд айламиш.  
Жоним ҳалос ўлгай нечук, онинг кўзу мижгонидин,  
Бу бирни ҳанжар айлабон, ул бирни жаллод  
айламиш.  
Ман не сифат тарк айлай ул ширин шамоили  
ишқини,  
Фам беситунин қозғали кўнглумни Фарҳод айламиш.  
Қошу кўзининг шаклидин қатлимға насс зоҳир  
бўлур,  
Чекканда гўё суратин бу нақш Беҳзод айламиш.  
Мандин қочинглар баҳтдек, эй айшу ишрат шоҳиди,  
Бир шўх кўнглум меҳнату кулфатға мұйтод  
айламиш.  
Жавру жафоларким манга етмиш онинг ҳижронида,  
Билмас ҳисобини анинг, ақл аҳли төъдод айламиш.  
Таъсир қиласи молишим бир заррача, гўё қазо,  
Хилқатда бағрин тош этиб, кўнглини фўлод  
айламиш.  
Эрмас пари гар, не учун ҳам йиғлатиб ҳам  
кулдуур,

Бу навъ афсунни қачон бир одамизод айламиш.  
Ғамзангга тақлид айлабон эл қатлини айлар ажал,  
Ори қилур шогирди ҳам ҳар ишки устод айламиш.  
Гулрух санамлар, не ажаб, қилса итоат амринга,  
Ким ҳақ азалда шоҳға лашкарни мунқод айламиш.  
Ким сифла эрса шод этар бу ҷарҳи душманком они,  
Воҳким ҳамиша имтиёз аҳлиға бедод айламиш.  
Ноқислар иззу жоҳини ҳар кун баланд айлаб фалак,  
Комиллар ўрнин паст этиб, маҳзуну ношод айламиш.

\* \* \*

Қўрмамиш сандек жаҳонда ҳеч бир гулзор, гул,  
Ким санга бордур бадан гул, жабҳа гул, руҳкор  
гул.

Гул узоринг ламъасидин очти гардун боғида,  
Фарқадон гул, каҳкушон гул, сабъаи сайёр гул,  
Базм аро гулбарги хандонинга қурбат топғали,  
Май гулу, мено гулу, ҳам соғари саршор гул.  
Бўлди булбулларға гулшан ичра ҳуснинг

шавқидин,

Нола гул, ағфон гулу, алҳон гулу, минқор гул.  
Гулшани базм ачра ҳар феъл ўлса гар сандин аён,  
Ноз гул, рафттор гул, гуфттор гул, автор гул.  
Сайри боғ айларда топтилар қудуминг файзадин.  
Сарв гул, шамшод гул, ашжор гул, ҳар хор гул.  
Ингламакдин гул юзинг ҳажрида қонлиғ ашки-

дин.

Фош ётар хуни жигарғул, дидан хунбор гул.  
Бўлди мутрибларға базминг ичра ҳангоми суруд.  
Нохуну мизроб гул, мусиқиу адвор гул.  
Бўлди зоҳидларға ҳусни бемисолинг васфида,  
Зикр ила аврод гул, тасбиҳ гул, дастор гул.  
Чун сенинг ёдинг қилурлар сокини дайру ҳарам,  
Е самад гул, ё санам гул, субҳа гул, зуннор гул.  
Қилди Комил табъини шаҳ лутғи гулзор ўйлаким,  
Маснавий гул, қитъа гул, абёт гул, ашъор гул.

\* \* \*

Сенсизин, эй дилрабо, жаннатда филмон бўлмасун,  
Демайин филмонки, бал жисмим аро жон  
бўлмасун.

Бўлмаса васлинг муюссар, эй парилайкар, манго,  
Тўбию кавсар била фирдавси ризвон бўлмасун.  
Лаъл жонбахшинг фироқида маango, эй гулузор,  
Гулшани жаннат ичиди сби ҳайвон бўлмасун.  
Бу жаҳон гулрухлари бўлсун санго фармонпазир,  
Ҳусн иқлимида сандин ўзга султон бўлмасун.  
Дўстлар, доим деманг нечун паришонҳол сан,  
Ҳеч кишининг дилбари кокулпаришон бўлмасун.  
Ишқ элин қатл эткали чиқмиш дедилар бир пари,  
Бир хабар олинг бизинг ошуви даврон бўлмасун.  
Комилосо бодай васл ила лабтар бўлмайин,  
Ҳеч кимса мубталон жоми ҳижрон бўлмасун.

\* \* \*

Қўзим гирёнлиқиға ул лаби хандон өрүр боис,  
Қўнгул маҳзунлиқиға кулфати ҳижрон эрур боис.  
Ғами ишқим улусга фош ўлурға, эй гули раъно,  
Сариф рухсор уза оқғон кўзимдан қон эрур боис.  
Дили тангим очилмас жуз насими илтифотингдан,  
Дами субҳ, ўлмоқиға гунчанинг хандон, эрур боис.  
Не тонг ул ойға таъсир этмас эрса ашксиз оҳим,  
Ҳадафга етмакиға тийринг пайкон эрур боис.  
Етурса кўнглига заҳм эл, тили мавзун сўзингдиндур,  
Садаф чокига йўқ ҳанжар, дури ғалтон эрур боис.  
Десанг озод ўрай ғамдин сухансанж ўлма,

булбулинг

Қафасбанд ўлмақиға шакаринилҳон эрур боис.  
Мусоффодур кўнгул кошонаси доим хаёлингдин,  
Безарга кулбасини меъбон, меҳмон эрур боис.  
Малул ўлма мазаллат тийра чоҳи ичра қолдим деб,  
Азиз бўлмақға Юсуф, Миср аро, зиндон эрур боис  
Не тонг Комил Навоий янглиғ ўлса сўз аро  
сармаст,  
Бу сархушлиқфа жоми сұхбати султон эрур боис.

Мени Мажнун бўлубман бир пари ишқида девона,  
 Ки ёдидин бўлубдур кўнглум андоқким парихона.  
 Эрур ул мансизин доим нишоту айш ила ҳар дам,  
 Вале ман онсизин тун-кун ғаму кулфатга ҳамхона.  
 Тутар ҳар субҳ әлга коса-коса бодай васлин,  
 Ичиб ман заҳри ҳижрон, ҳар кеча паймона-паймона.  
 Не тоңг, тушсан ман ул кони малоҳат мажлиёидин  
 дур,  
 Муяссар бўлғаму ҳаргиз гадоға базми шоҳона.  
 Не ҳожат бодақим, ул муғбача масти мудом айлар,  
 Мани йўқ, борчани мажлис аро гар кирса мастона.  
 Чу қилди тийра кулбам, эй саодат ахтари, ҳажринг,  
 Мунаввар бўлмоқи мумкин эмас гар келмасанг ёна.  
 Кўнгулда сирри ишқинг ёшурурман ҳалқдин доим,  
 Нединким бордурур ул ганжга мадған бу вайронга.  
 Майга қил зулму бедодингни бас, эй маҳваши Чини,  
 Йўқ эрса айларам бир кун қўлингдин арз ҳоқона.  
 Ҳаводис сангборидин десанг маҳфуз ўлай хумдек,  
 Бўлуб саршор майдин, қил мақоминг кунжи майхона.  
 Мулозимпеша бўлма жоҳ учун ҳар пастфитратга,  
 Таваккал шоҳроҳида таку-пў айла мардана.  
 Агар бор эт, вагар йўқ, Комил айрилмас даме сендин,  
 Ким үлдур зарра, сен ҳуршид, сан шамъу у парвона.

Саводи хатtingа гар истамас бўлмақ макон  
 көз,  
 Баёз ичра недин дафтар бўлуб очмиш дўкон  
 көз,  
 Кўзу, қадду, хату, лаълинг сифотин қилғали  
 таҳрир, Мидодим — кўз, мижам — ҳомам, сиёҳим — ашку  
 жон — көз,  
 Сариг чехрамдурур ишқини қилғон фош оламга,  
 Нечукким лағз рухсоригадур ойинасон көз,  
 Кўнгулинг доғи бўлса не ажаб зоҳир  
 жабинимдин, Назарларға саводи нуқтани айлар аён көз.  
 Замирим лавҳида нақши ҳаёлинг ўйладур мақфуз,  
 Ки маъни шоҳидига бордурур доруламон көз,  
 Фалак меҳри жамолинг васфини таҳрир қилмоқға,  
 Шаҳобин ҳомаи инжумдин айлар зарфицион  
 кораз.  
 Жамолинг васфи таҳририн тамом этмак эмас  
 мумкин, Қалам ашжор эса, дарё сиёҳи, осмон көз...  
 Езибму ул пари Комилға ғулгун сафҳаға нома,  
 Үқурда ё кўзи хунобидин бўлмишму қон көз?

\* \* \*

Хабар топмиш бу маҳфилда жамолингдан магар  
кўзгу,  
Қамоли ҳайрат ила ўздин ўлмиш бехабар кўзгу.  
Узори оташининг шуъласи боқғац, ёқар жоним,  
Кўрубму ҳеч нозир зоҳир этканни шарап кўзгу.  
Юзунг хуршиди зулф остида жабҳангдин намоёндур,  
Қуёш руҳкорига бўлғон каби шому саҳар кўзгу.  
Рухинг миръотини тут зоҳиди худбин кўзидин дур,  
Не баҳра топғуси кўрган била ул бебасар кўзгу.  
Тамошойи жамолингдин, не тонг, ширинкалом ўлсам,  
Ки тўтиларни доим сўзлатур ширин-шакар, кўзгу.  
Жамолинг иштиёқидин мудом эрмас эса гирён,  
Недин бошдин аёқ бўлмишдурур бир чашми тар  
кўзгу,  
Юзунг миръоти ҳижронида бўлдим неча кундур лол,  
Сухансанж ўлмакиға келди тўтигининг ҳунар кўзгу(?)  
Рухинг наззораси фикридин ўзга йўқ менга мақсад,  
Кўзумға жилвагар бўлғонда гар хуршид, гар кўзгу.  
Бу важҳ ила алар наззораси бордур манга матлуб,  
Жамоли безаволингға эрур шамсу қамар кўзгу.  
Жамоли жилвасин Комил замиридин тамошо қил,  
Ки мазҳарлиқға лойиқ бўлмағай ул юзга ҳар кўзгу.

\* \* \*

Ерим узори авжи саодат маҳи эрур,  
Бу важҳ бирла ҳусн эли шоҳаншаҳи эрур.  
Бордур чу хўблар аро мумтоз, гўйё,  
Ҳусн авжининг најуми алар, бу маҳи эрур.  
Беҳроқ кўрар чу мандин ул ой гайрни, не тонг,  
Гар чеҳра сарғариб, менга рашки беҳи эрур.  
Не наъвъ оху нола била ҳамраҳ ўлмайин,  
Доим рақиб онинг билаким, ҳамрахи эрур.  
Иўқ булҳавас онинг каби қаддинг ҳузурида,  
Ҳар одамики мойили сарви саҳи эрур.  
Мақсад юзин ҳамиша анга кўргизур жаҳон,  
Ҳар кимки чашми нури хираддин тиҳи эрур.  
Комил, не тонг, гар оғаҳ эса сўз камолидин,  
Доим аниси Рожий ила Огаҳий эрур.

\* \* \*

Оқим бир сарви гулрухсора ошиқ бўлмишам,  
Бемуруват қотили кунхора ошиқ бўлмишам.  
Олди жоним. нозу истиғноу ёлғон ваъдаси,  
Бир ситамгар золиму маккора ошиқ бўлмишам.  
Оҳу нолам қумри-ю тўтидин ўтса, не ажаб,  
Бир сихиқомат, шакаргуфтора ошиқ бўлмишам,  
Сарву гул хасча кўрунмас кўзима, эй боғбон,  
Бир юзи гул, қади хушрафтора ошиқ бўлмишам.  
Дўстлар, гаҳ бехуду, гаҳ хастаҳол ўлсам не айб,  
Кўзлари ҳам маству, ҳам bemora ошиқ бўлмишам.  
Ҳажрида кўздин тўкарман тун-кун ашки лолагун,  
Токи мағ ул хильяти гулнора ошиқ бўлмишам.  
Ёрута олмас шабистоним қўёшинг, эй сипеҳр,  
Ул юзи хуршиди пуранвора ошиқ бўлмишам.  
Айлама, Комил, манга фирдавсу ризвон васфини.  
Васли ишратгоҳида дийдора ошиқ бўлмишам.

\* \* \*

Манзилим чун бўлди ушбу йил диёри Тошканд,  
Жону кўнглум доим истар хор-хори Тошканд.  
Буржи мизонда эди маснаднишин шохи Хўтан,  
Ҳам баробар эрдилар лайлу-наҳори Тошканд.  
Нуру зулмат ўлчаниб тун-кун уфуқ майдонида,  
Бирдек эрди субҳи соғу шоми тори Тошканд.  
Сарбасар ашжор заррин баргидан боди ҳазон,  
Фарш қилрон барча қасри зарнигори Тошканд.  
Хуш ҳаволиг мунча бўлса анда айёми ҳазон,  
Ераб, эркантур нечук фасли баҳори Тошканд.  
Бўлди меҳмон жойимиз ҳақ лутфидин бир боғним,  
Мевадору, лолазору наҳлдори Тошканд.  
Гарчи анда боя ила бўstonға йўқ хадду шумор,  
Зийнат афзолиқда чун холи узори Тошканд.  
Вусъату назҳатда рашики жаннатул-маъводурур,  
Кавсари тасними наҳбу жўйбори Тошканд.  
Тўби осо бош чекиб ҷархи муалло сорига,  
Арчау ел бирла шамшоду чинори Тошканд.  
Ҳар куни сайр айлар анда ҳуру ғимон ўрнига,  
Сарвқадду, гулжабину, гулузори Тошканд.  
Лекин ушбу йилға тўғри айлабон беад ҳисоб,  
Деди тарихини ҳотиф ҷашмасори Тошканд.  
Умр боқи бўлса олти йил яна Комил сенга,  
Ёзғил онинг солли тарихин шумори Тошканд.

## МУХАММАСЛАР

Қайси фалак буржининг меҳри пурандорисан,  
Қайси садаф дуржининг гавҳари шаҳворисан,  
Қайси Хўтн оҳуси ноғаи тоторисан,  
Қайси чаманзорнинг лолаи гулнорисан,  
Сўйла менга, эй санам, кимни севар ёрисан.

Қоматинга бандадур боғ аро сарви равон,  
Лаъли лабинг рашикидин ғунча эрур бағри қон,  
Чунки чаман саҳнида бўлса юзинг гулфишон,  
Ноласин айлар фузун булбули бехонумон,  
Сўйла менга, эй санам, кимни севар ёрисан.

Инглатур ошиқларинг лаъл лабинг хандаси,  
Ҳумрии нолон эрур сарв қадинг бандаси  
Ҳусну жамол авжининг ахтари тобандаси  
Кўрса агар оразинг, бўлғуси шармандаси,  
Сўйла менга, эй санам, кимни севар ёрисан.

Сен каби бир дилбари турухи симинбадан,  
Вақти тақаллум аро тўтии ширинсуҳан,  
Мажлис аро айласанг шаъбадау лаъбу фан,  
Вола ўлурлар сенга аҳли замону замон,  
Сўйла менга, эй санам, кимни севар ёрисан.

Ой юзи ҳусну жамол боянинг аҳмар гули,  
Жон ила кўнглум эрур ушбу гулнинг булбули,  
Ҳумрии нолон эрур сарв қадингнинг қули,  
Йўқ эса нечун ани бўйнида бордур гули,  
Сўйла менга, эй санам, кимни севар ёрисан.

Айшу нашот истабон ғамға дучор ўлмоғон,  
Меҳринга дилбастай зору назор ўлмоғон,  
Лаъл лабинг шаҳдига борму хумор ўлмоғон,  
Даҳр аро йўқтур сенга ошиқи зор ўлмоғон,  
Сўйла менга, эй санам, кимни севар ёрисан.

Бир кечада айлаб менга меҳру муҳаббат аён,  
Ҳамраҳу йўлдошсиз барча улусдин ниҳон,  
Кулбай аҳсонима бўлсанг агар меҳмон,  
Комили маҳзунинг ростини эткил баён,  
Сўйла менга, эй санам, кимни севар ёрисан.

### НАВОЙ ҒАЗАЛИГА МУҲАММАС

Зинҳор эл ихтилоти бирла хуррам бўлмангиз,  
Меҳнати ҳар дам фузуну роҳати кам бўлмангиз,  
Мен каби бори надоматдин қади ҳам бўлмангиз,  
Дўстлар, олам әлиға ёру ҳамдам бўлмангиз,  
Ёр ила ҳамдам демайким, ошно ҳам бўлмангиз.

Олам аҳлидин вафо осорини қилманг гумон,  
Нақд умрим сарф этиб қилдим аларни имтиҳон,  
Узлат истаб аҳли оламдин қочинг борича жон,  
Ошнолиг айлабон, ўз жонингизга ҳар замон,  
Боиси юз минг балоу меҳнату ғам бўлмангиз.

Руҳпарвар лабларидин истабон нўши ҳаёт,  
Урдим ўз жонимга ўз илким била ниши мамот,  
Ваъдасида йўқтурур ҳаргиз вафо бирла сабот,  
Еб паривашлар фирибин, сўнгра топмай илтифот,  
Мен каби девонау расвои олам бўлмангиз.

Ёрдин гар марҳамат етсин ва гар ранжу алам,  
Ошиқи содик тутар они ҳамиша мугтанам,  
Кўрмагумдур васлидин андуҳи ҳижронини кам,  
Васли айш омода қиласа ҳалқни, эй дарду ғам,  
Сиз бузуқ кўнглумдин ўзга ерга маҳрам бўлмангиз.

Гарчи бу дам хотиримдур дарду меҳнат маъдани,  
Жисми зорим юз гуман андуҳу кулфат маскани,  
Сизни ҳам мандек қилур ул дилраболар пурфани,  
Эй висол аҳли, ул ойнинг дарди ҳажридин мани,  
Кўб кўруб ғамнок асрү шоду хуррам бўлмангиз

Одким, дар кимга молу жоними қилдим фидо,  
Қилдилар яхшилиғимга минг ямонлиғ борҳо,  
Аҳли оламдин вафо айлаб тамаъ, чекманг жафо,  
Эй ҳаробот аҳли, йўқ инсонда имкони вафо,  
Мастлиғдин дев ғулунг, зинҳор одам бўлмангиз.

Гарчи Комил бўлди фурқатдин алил, эй аҳли васл,  
Ҳажр ўтиға тушти андоқким ҳалил, эй аҳли васл,  
Лек гопти ёр васлиға далил, эй аҳли васл,  
Гар Навоий ҳажр аро бўлди залил, эй аҳли васл,  
Эмди навбат сизгадур, мунча муаззам бўлмангиз.

### МУНИС ФАЗАЛИГА МУХАММАС

Дардоки, йўқ жаҳон элида шармсорлиғ,  
Кўрганлар, иззатимни, манга берди хорлиғ,  
Эркан абас замон элидин дўстдорлиғ,  
Яхши кунимда ҳар кишиким берди ёрлиғ,  
Дўнгач замона, айлади душманшиорлиғ.

Улким эди вужуди вафо маъданни, буқун  
Душманға лутфу, зулм мангодур фани буқун,  
Дерким рақиб сонида кўрмон сани буқун,  
Атфол этакға тош йигингким мани буқун,  
Девоналиқға еткурадур беқарорлиғ.

Ҳар кимса ўз нигори висоли замонида,  
Иzzат майини нўш этар ишрат маконида,  
Фарёдким, бўлолмадим ағёр сонида,  
Итлар азизорқ кўрунур қалқ ёнида,  
Мандинки, қўйинг ичра чекарман бу хорлиғ.

Борсен агарчи давр элиға фоиқ, этма рад,  
Ишқинг аро билиб мани ҳам содиқ, этма рад,  
Кўрдум юзунгни, бўлдум агар ошиқ, этма рад,  
Ман гарчи суҳбатингға эмон лойиқ, этма рад,  
Бу гулшан ичра гул ул эрур бўлса хорлиғ,

Ушиоқни қилурға چу қилдинг фифон асир,  
Нагманғға бўлди барча эшитмак ҳамон асир,  
Не навъ бўлмайин мани беконумон асир,  
Эй мутриб, ўлди ҳалқаи нағманғға жон асир,  
Созингға ёр зулфидин олдингму торлиғ.

Сансан сарири ҳусн уза шоҳаншаҳ, эй масиҳ,  
Гар хўблар кавоқиб эса, сан маҳ, эй масиҳ,  
Комилға қўюнг ўлгуси манзилгаҳ, эй масиҳ,  
Мунисни ғам етурди ҳалокатга, эй масиҳ,  
Мақтулинга дами қилакўр ғамгусорлиғ.

Эйки бир Лайли ғами кўнглингда тушмишдури  
қарор,

Фош этиб, бўлма ани, девонау Мажнуншиор,  
Бўлмасун десанг бу маҳфи розим элга ошкор,  
Ишқ сиррин тилга келтурма кўнгулдин зинҳор,  
Ким эмастур ишқ элига маҳрами асрор тил.

Ҳар неча бўлсун сўзунг мавзуну, нутқунг жонфизо,  
Аҳли дунё оллида йўқтур анга қадру баҳо,  
Улки икки нукта дебтур бордурур бири хато,  
Эътибору иззат истар кимсаким олам аро,  
Ё керак бисёр зар, йўқ эрса пургуттор тил.

Комило, нутқунг агарчи гулдурур бехор эмас,  
Сўз неча ширин эрур хомӯшлиғча бор эмас,  
Оқил улдур даҳр аро ҳаркимки пургуттор эмас,  
Бўлма маҳзун, Огаҳий, гар тил сенга ҳамвор эмас,  
Санда худ гар бўлмаса хомангда бор ҳамвор тил.

**ОГАҲИЙ ҒАЗАЛИГА МУХАММАС**  
Сўз дури ноёб эрур, они қилур изҳор тил,  
Хуснидин фоида гар бўлмаса дурбор тил,  
Ўзга сўзлар дегач, ўлди мужиби озор тил,  
Базм аро мундоқ тақаллумға чу очти ёр тил,  
Хуққаи ёқутдин сочди дури шаҳвор тил.

Гарчи қотил кўзлари ушшоқиғадур жонситон,  
Лек жонпарвар қаломи бордурур руҳи равон,  
Бу жиҳатдин ишқ йўлида мангадур бийми жон,  
Юз ўлукни тиргузуб тўтидек айлар хушбаён  
Ул масиҳ очса қачон сўз дерга шаккарбор тил.

Сўз ҷоғи алфозининг беҳадду поён лаззатин,  
Топғоли кўнглум соғинмас оби ҳайвон лаззатин,  
Васф юз минг тил била қўлмоқ не имкон лаззатин,  
Чун эшитгац, ҳар сўзидин топғоман жон лаззагин,  
Вах бўлур эркон нучук одамға бу миқдор тил.

Ҳажр аро гар минг алам етсун мани берморға,  
Тиги ғам юз заҳм еткурсун дили афгорға,  
Тарки ишқ эт дема ҳарғиз, носиҳо, ман зорға,  
Йўқ ғамим ишқ ичра ўлмакдин, нединким ёреа  
Қилғуси ҳар дам масиҳо мұжжизин изҳор тил.

## МАСНАВИЙ

(Қисқартылған олинди)

Шеър, күб вақт камбаҳо эрди,  
Шуаро баҳти ҳам қаро эрди,  
Лиллоҳилхамду вассаноки бу дам,  
Жұш уруб сизга баҳри жуду карам,  
Сажъи бир тангадин баҳо бұлди,  
Шуаро киссаси тұло бұлди,  
Сұзни гавҳар демишлар ўтканлар,  
Фазл дўконини юрутканлар.  
Бу замонда гуҳар жуган<sup>1</sup> бұлмиш,  
Дурни сотмоқ жуганга фан бұлмиш,  
Е жавоҳиршунос әмасму алар,  
Танимаслар жуган била гавҳар.  
Е ғалат деб дурурлар аҳли садаф,  
Е жуган бордурур гуҳарға халаф.  
Еки лағзи қадимда дерлар,  
Жугари отини алар гавҳар.  
Улки огоҳларнинг оғаҳидур,  
Фаҳму дониш сипеҳрининг маҳидур,  
Сўзи ортиқдурур гуҳардин ҳам,  
Фазлу донишида олам ичра алам,  
Сўзни ҳар неча қизса бозори,  
Бордур оламда бир ҳаридори,

Минг балоғат била сўз айлаб адо,  
Қилур они жуган била савдо.  
Ул дөгін ушр, ё закотдуур,  
Анга инъому базл от дурур.  
Мани бечорау ғарибу ҳақир,  
Ки сўзум ичра зарра йўқ таъсир.  
Сўз десам ким анга қулоқ солур,  
Ким ани ёки бир кўнакға олур.  
Ман не янглиғ сўз айлайин иншо,  
Сўз дуриға бу навъ бўлса баҳо,  
Сўзума ҳеч киши жуган бермас,  
Берсалар ҳам самон — ёмон эрмас.

<sup>1</sup> Жуган — Қўқонжўхори маъносида.

## РУБОЙ

Хар неча бало етса чекиб бошни букма,  
Таъжил яқосиға бошингни суқма,  
Амрозу, алам шиддатидин ҳовлиқма,  
Топғунг яна, Комило, шифо ошуқма,

## ФАРД

Ҳар кимсаки айласа ошуқмаси ҳаёл,  
Яфрогни йифак қилур, чечак баргини бол.



## МУНДАРИЖА

Комил Хоразмий, <i>Раҳмат Мажидий</i> . . . . .	5
Ғазаллар . . . . .	11
Мухаммаслар . . . . .	42
Маснавий . . . . .	50
Рубой . . . . .	52
Фард . . . . .	52